

Жума сари босилган қадамга дўзах ўти ҳаром



04:06 / 24 май 3854

Язид ибн Абу Марям розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абоя ибн Рифоъа ибн Рофеъ розияллоҳу анҳу орқамдан келиб, менга етишиб олдилар. Мен жума намозига кетаётган эдим. «Менга хушxabар беринг, сизнинг бу босаётган қадамларингиз “фи сабилиллаҳ» («Аллоҳнинг йўлида») босилаётган қадамлардир. Мен Абу Абс розияллоҳу анҳудан эшитдим. У киши эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Аллоҳ йўлида (фи сабилиллаҳ) чанг босган қадамларга дўзах ўти ҳаромдир”, - деганларини эшитган эканлар», - дедилар».

Термизий ривоят қилган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан